

Журнал 1996 йилдан бошлаб нашр этилади

# O'ZBEKISTON FARMATSEVTIK XAVARNOMASI

Илмий-амалий фармацевтика журналі

## 2/2021

апрель-июнь 2021

## ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

Научно-практический фармацевтический журнал

Фармакология

Расмий ҳужжатлар

Фармация ва тиббиёт янгиликлари

Фармакогнозия ва фармацевтик кимё

Фармацевтика ишини ташкил этиш  
ва дори воситалари технологияси

Лицензиялаш ва назорат қилиш  
бошқармаси маълумотномаси

Дори воситалари, тиббий буюмлар  
ва тиббий техникани рўйхатдан  
ўтказилганлик тўғрисидаги янгиликлар

ISSN 2181-0311

[www.uzpharm-control.uz](http://www.uzpharm-control.uz)

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
“ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКА  
ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ МАРКАЗИ” ДУК

**ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИК  
ХАБАРНОМАСИ**  
Илмий-амалий фармацевтика журнали

---

**ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК  
УЗБЕКИСТАНА**  
Научно-практический фармацевтический журнал

*Журнал 1996 йилдан бошлаб нашр этилади*

**2/2021**

**Главный редактор:** д.ф.н., проф. Азизов И.К.

**Редакционная коллегия:** Кариев С.Х. (зам. главного редактора)  
Сагадова Д.С. (отв. секретарь)

д.м.н., проф. Шоисламов Б.Ш., д.б.н., проф. Нурутдинова Н.Р., д.б.н., проф. Эргашева М.Ж.,  
д.ф.н., проф. Джалилов Х.К., д.ф.н., проф. Урманова Ф.Ф., проф. Убайдуллаев К.А., ф.ф.д.,  
доцент. Дусматов А.Ф., д.ф.н., проф. Кариева Ё.С., к.ф.н. Болтабоева Г.Э.,  
к.ф.н. Ибрагимова М.Я., Темиров А.С.

**Редакционный совет:**

д.х.н., проф., академик Тураев А.С. (Ташкент), д.б.н., д.ф.н., проф. Зайнутдинов Х.С. (Ташкент),  
д.м.н., проф. Мавлянов И.Р. (Ташкент), д.ф.н., проф. Юнусова Х.М. (Ташкент), д.ф.н., академик  
Махатов Б.К. (Казахстан), д.ф.н., академик Попков В.А. (Россия), д.ф.н., проф. Нестерова О.В.  
(Россия), д.т.н., проф. Тиллаева Г.У. (Ташкент), к.ф.н., проф. Хайдаров В.Р. (Ташкент), д.ф.н.,  
доцент Юнусходжаева Н.А. (Ташкент), к.ф.н., доцент Халимов А.Х. (Ташкент), к.ф.н. Ашуров  
А.А. (Ташкент), к.ф.н., доцент Фарманова Н.Т. (Ташкент), к.ф.н. Тоирова Н.Э.

**Адрес редакции:**

100002, Республика Узбекистан, г. Ташкент,  
ул. Озод, пр. К.Умарова 16.  
Тел: (+998 71) 242 48 93, (+998 71) 249 47 93  
Факс: (+998 71) 242 48 25  
E-mail: farmkomitet@minzdrav.uz

“Фармацевтический вестник Узбекистана” №1/2021  
Зарегистрировано 12.01.2018 г.  
Удостоверение № 0543

Подписано в печать 15.04.2021 г.  
Объем 60x84 1/16 14,5 усл. печ. л. Тираж 70.  
Сверстано и отпечатано в ООО «Muxr-Press»  
г.Ташкент, Сергелийский район,  
Дустлик-1, д.3, кв.20  
Тел: (+998 90) 950 65 58  
Цена договорная

**МУНДАРИЖА**

<b>РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги 6221-сонли Фармони.....	5
<b>ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b>	
С.Х. Қариев, Х.К. Джалолов. Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси 1-нашири, 1-жилди амалда.....	16
А.М. Тўхтаева, А.М. Эрназаров, Н.А. Мадатова, Д.Т. Элмуратов. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган иммуномодулятор ва иммуностимулятор дори воситаларининг ассортиментини ўрганиш.....	22
А.Б. Нигматходжаев, В.Н. Абдуллабекова. Простата безининг хавфсиз гиперплазияси касаллигини даволашда қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситаларининг маркетинг изланишлари.....	26
Д.Ш. Ҳамдамова, В.К. Умарова, А.Д. Таджиева, В.Р. Хайдаров, М.Т. Примкулов. Доривор ўсимлик пояларидан микрокристаллик целлюлозани олиш.....	31
<b>ФАРМАКОГНОЗИЯ ВА ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ</b>	
А.Д. Таджиева, Ф.А. Умарова, Н.А. Азимова, Б.И. Мухамедова, Ш.Н. Мадрахимов. Цинарозид капсулаларини сифатини назорат қилиш.....	37
Н.А. Мусаева, М.С. Кушакова. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган далачой ўсимлигини фитокимёвий ва минерал таркибини ўрганиш.....	40
Х.О. Турсунов, Г.Э. Болтабаева, Б.Б. Воҳидов, З.Н. Қаримова, А.Т. Шарипов. Маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси асосида эсцин субстанциясини олиш ва стандартлаштириш.....	42
<b>ФАРМАКОЛОГИЯ</b>	
Н.Л. Выпова, Х.Л. Зияев, А.М. Эрматов, Р.А. Якубова, Э.Р. Назирова, Н. А. Тагайалиева. Вирусга қарши Рометин фармакологик препаратининг ўткир заҳарлаш ва кумулятивлик таъсирини ўрганиш.....	50
Б.А. Имамалиев. «Фитоаллергодерм» фитойиғмасининг ўткир токсиклигини ўрганиш.....	53
И.Р. Саматова, Ш.Р. Газиева. «Гепаторс®» препаратининг клиник самарадорлиги ва ўзлаштираолишлиги.....	56
Ш.Б. Даминова, М.С. Мухамедова, З.Д. Холматова, Ш.Р. Газиева. Флунол болаларда кандидозни даволашда.....	61
С.Ф. Сулейманов. Сурункали панкреатит билан оғриган беморларда тимоптинни иммун бузилишларида корректор сифатида қўллаш.....	66
<b>КОНТРАФАКТ, ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛГАН ВА СИФАТСИЗ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР</b>	
Контрафакт, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати (2021 йил II чорак).....	71
<b>ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ МАЪЛУМОТНОМАСИ</b>	
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси маълумотномаси.....	76
<b>ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКАНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</b>	
Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестрига кўшимчалар (2021 йил II чорак).....	84
Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган меъёрий - таҳлилий ҳужжатлар рўйхати.....	146
<b>ФАРМАЦИЯ ВА ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ</b>	
Дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари.....	147
Янгиликлар.....	150

ФАРМАКОГНОЗИЯ ВА ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ  
ФАРМАКОГНОЗИЯ И ФАРМАЦЕВТИЧЕСКАЯ ХИМИЯ

УДК 615.453.42

А.Д. Таджиева, Ф.А. Умарова, Н.А. Азимова, Б.И. Мухамедова, Ш.Н. Мадрахимов

ЦИНАРОЗИД КАПСУЛАЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ  
КОНТРОЛЬ КАЧЕСТВА КАПСУЛ ЦИНАРОЗИДА

Тошкент Фармацевтика институти

Маҳалий хом ашё асосида олинган Цинарозид капсулари технологиясини ишлаб чиқиш бўйича маълумот аввалги илмий мақоламизда берилган. Куйидаги мақолада Цинарозид капсуласининг сифат кўрсаткичларидан ташқи кўриниши, чинлиги, миқдорий таҳлили ва дозанинг бир хил тарқалганлигини ўрганишга бағишланган илмий изланиш натижалари келтирилди.

**Таянч иборалар:** Цинарозид, капсула, сифат кўрсаткичлари, спектрофотометрия.

Ўзбекистон Республикасида турли фармакологик таъсирга эга бўлган хом ашёлар асосида капсула дори шаклини ишлаб чиқиш ва унинг сифатини тегишли меъёрий стандартлар бўйича амалга ошириш, натижада чет эл инвестицияси ва технологиясини жалб қилиш, дори воситаларини сифатли ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) қоидалари бўйича ташкил қилиш бугунги кунда маҳаллий фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва мутахасислар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Цинарозид капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар берилган [1]. Капсуланинг сифат кўрсаткичларидан – биофаол модданинг чинлиги, миқдорий таҳлил усули, дозанинг бир хил тарқалганлиги ва эрувчанлигини аниқлаш моҳиятларини ёритишни лозим топдик. Таҳлил тегишли МХ асосида олиб борилди [2,3].

**Материаллар ва текшириш усуллари.** Цинарозид ЎЗР ФА академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан Ферула (*Ferula varia* (Schrenk) Trautv) ўсимлигини ер устки қисмидан олинган бўлиб, таъсир этувчи моддаси лютеолин-7-О-β-Д-глюкопиранозид ёки 7-О-β-Д-глюкопиранозил-5,3',4'-триоксифлавонон флаваноиди ҳисобланади.

Ферула – кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Ўрта Осиё худудларида ўсади. Катта миқёсда ишлаб чиқарилиши учун ўсимлик кўп йиллик табиий захирага эга. Фармакологик ва токсикологик тадқиқотлар унинг юқори гипозотемик хусусиятини намоён қилиши ҳамда унинг кам захарлилиги олимларимиз томонидан исботланган [4].

**Натижалар ва муҳокамалар.** Тажрибалар Цинарозид капсуласининг чинлиги ва миқдорий таҳлили Цинарозид субстанциясининг таркибий қисмидан келиб чиқиб амалга оширилди.

**Ташқи кўриниши:** «1» рақамли қаттиқ тиник (шаффоф) қопқоғи пушти сариқ, асоси тиник зарғалдоқ рангли желатин капсулалари. Капсула ичидаги масса (модда) - оч сариқ рангли грануларлар.

**Цинарозид капсуласининг чинлигини аниқлаш моҳияти.** Миқдорий таҳлил учун олинган эритманинг ультрабинафша (УБ) спектри,  $\lambda=220$  нм дан 380 нм оралиғида аниқланганда энг юқори нур ютиш кўрсаткичлари  $\lambda=255$  нм ва 352 нм нуқталарда намоён бўлади.

Капсула ичидаги массада 0,05 г тортма олиб, сув ҳаммомида 5 мл 80 % этил спирти билан 10 дақиқа давомида қиздирилади ва қоғоз филтр (ГОСТ 12026-76) орқали филтрланади. Филтратга 0,05 г магний кукуни ёки 0,5 мл концентранган хлорид кислотадаги магний кукуни қўшилади. Натижада аста секин қизил ранг ҳосил бўла бошлайди (флаваноидларга хос сифат реакция).

0,05 г майдаланган капсула массасининг кукунини 25 мл 80% ли этил спиртига солиб, сув ҳаммомида 10 дақиқа давомида қиздирилган ҳолда чайқатиб турилади ва филтрланади. Олинган 1 мл филтратга 9 мл сув ва 0,1 мл темир хлорид қўшилади, секин аста яшил ранг ҳосил бўлади (фенол гидроксилга хос сифат реакция).

**Цинарозид капсуласининг миқдорий таҳлили.** 0,1 г (аниқ тортма) капсула массасининг майдаланган кукунини 100 мл ли ўлчов қолбасига солинади, 60 мл 80% ли этил спиртни қўшиб 20 дақиқа давомида сув

хаммомида (60°C) қиздирилади. Сўнгра юқоридаги эритма билан ўлчов белгисига етказилиб, қоғоз филтёр орқали филтёрланади, биринчи 20 мл филтёрлатни ташлаб юборилади. 1 мл филтёрлатни 25 мл ли ўлчов колбасига ўтказилади, эритма ҳажмини 80% ли этил спирти билан ўлчов белгисига етказилади. Тайёрланган эритманинг нур ютиш кўрсаткичи қалинлиги 10 мм бўлган кюветада  $\lambda=352\pm 2$  нм тўлқин узунлигида спектрофотометр ёрдамида ўлчанади.

Солиштирувчи эритма сифатида 80%ли этил спиртидан фойдаланилади. Бир вақтда стандарт намуна эритмасини ҳам нур ютиш кўрсаткичи аниқланади.

Битта капсула таркибидаги Цинарозид миқдорини қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 \times a_0 \times 100 \times 1 \times 25 \times b}{D_0 \times a_1 \times 100 \times 25 \times 1 \times 100} = \frac{D_1 \times a_0 \times b}{D_0 \times a_1 \times 100}$$

бунда:

$D_0$ -стандарт намуна эритмасининг нур ютиш кўрсаткичи;

$D_1$ - текширилаётган эритманинг нур ютиш кўрсаткичи;

$a_0$ - стандарт намуна эритмасидаги Цинарозид миқдори, граммда;

$a_1$ - майдаланган капсула массасининг оғирлиги, граммда;

$b$  – капсула массасини ўртача оғирлиги, граммда

Битта капсула таркибидаги Цинарозид миқдори 0,046 г дан 0,054 г гача бўлиши лозим. Олинган натижалар ва уларни метрологик тавсифи 1- жадвалда келтирилган.

**Эслатма.** Цинарозид стандарт (андоза) эритмасини тайёрлаш. 0,025 г (аниқ тортма) Цинарозидни 100 мл бўлган ўлчов колбасига солиб, сув ҳаммомида 50-60°C температурада 10 дақиқа давомида қиздирган ҳолда 50 мл 80% ли этил спиртида эритилади. Эритма совутилгач 80% ли этил спирти ёрдамида ўлчов белгисига етказиб аралаштирилади. Олинган 1 мл эритма 25 мл ўлчов колбасига ўтказилиб, эритма ҳажмини 80% ли спирт билан ўлчов белгисига етказилади ва аралаштирилади.

1-жадвал

#### Цинарозид капсуласини миқдорий таҳлилининг метрологик тавсифи

Аниқ тортма, г	Биофаол модда миқдори		Метрологик тавсифи
	г	%	
0,1001	0,0481	96,0	$f=4, t(P 95, f) = 2,78$ $X_{yp} = 0,0478$ $S^2 = 0,1 \cdot 10^6$ $S = 0,28 \cdot 10^3$ $S_x = 0,13 \cdot 10^3$ $\Delta X = 0,39 \cdot 10^3$ $\Delta X_{yp} = 0,2 \cdot 10^3$ $\epsilon_x \% = 2,02$ $\epsilon_{\bar{x}} \% = 0,90$
0,1020	0,0502	100,4	
0,0987	0,0482	96,2	
0,1040	0,0495	99,0	
0,0996	0,0486	97,2	

Таҳлил натижаларидан, капсула таркибидаги биофаол моддани бир ҳил тарқалганлиги тегишли меъерий ҳужжат талабларига жавоб беришини кўриш мумкин. 1-жадвалдаги натижалар таклиф этилаётган усул билан Цинарозид капсулалар миқдорий таҳлилининг спектрофотометрик усулда қоникарли даражада олиб бориш мумкинлигини кўрсатди.

**Дозанинг бир ҳил тарқалганлигини аниқлаш.** Таҳлил учун ҳар бир сериядан 30 донадан капсула олинди ва ҳар бири алоҳида-алоҳида бўшатилиб, 10 та капсуланинг ҳар биридаги дори модда миқдори аниқланди. Бунда 1 дона капсуладаги дори моддасининг миқдоридидаги четланиш  $\pm 15\%$  дан ортмаслиги керак. Агар 10 та текширилган капсулаларнинг 2

тасида дори моддасининг миқдори  $\pm 15\%$  дан ортса, қолган 20 та капсуланинг ҳар биридаги дори моддасининг миқдори аниқланади. Қолган 20 та капсуланинг ҳеч бирида дори моддасининг миқдоридидаги четланиш  $\pm 15\%$  дан ошмаслиги керак. Тажриба натижаларида бу кўрсаткич  $\pm 6,5\%$  ни ташкил қилди.

Бунинг учун 1 дона Цинарозид капсула массаси аниқ тортмада тортилди ва майдаланди. Сўнгра 100 мл бўлган ўлчов колбасига солиниб, 40 мл тозаланган сув билан 1-2 дақиқа чайқатилди ва миқдорий таҳлил спектрофотометрик усулда тартиб бўйича давом эттирилди. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**Цинарозид капсуласи таркибидаги таъсир этувчи моддани  
бир хил тарқалганлигини аниқлаш натижалари**

Аниқ тортма, г	Цинарозид микдори		Метрологик тавсифи
	г	%	
0,1968	0,0511	102,2	f=4, t (P 95, f) = 2,78
0,2002	0,0485	97,0	$X_{yp} = 0,0491$
0,2027	0,0469	94,0	$S^2 = 0,2 \cdot 10^6$
0,1972	0,0504	100,8	$S = 0,38 \cdot 10^3$
0,2106	0,0493	98,6	$S_x = 0,17 \cdot 10^3$
			$\Delta X = 0,41 \cdot 10^3$
			$\Delta X_{yp} = 0,3 \cdot 10^3$
			$\epsilon_x \% = 3,42$
			$\epsilon_{\bar{x}} \% = 1,46$

Таҳлил натижаларидан, капсула таркибидаги биофаол модданинг бир хил тарқалганлиги тегишли меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бериши аниқланди. 2-жадвалдаги натижалар таклиф этилаётган усул билан Цинарозид капсулалари таркибидаги биофаол моддани бир хил тарқалганлигини таклиф этилган спектрофотометрик усулда коникарли даражада олиб бориш мумкинлигини кўрсатди.

**Цинарозид капсуласини биосамарадорлигини “in vitro” усулида аниқлаш.** Маълумки, қаттиқ дори турларидан, жумладан капсулалардан таъсир этувчи моддаларни муҳитга ажралиб чиқиш тезлигига бир қанча омиллар: ишлатилган ёрдамчи моддалар, муҳитнинг рН кўрсаткичи, кажаванинг айланиш тезлиги бевосита таъсир этади. Капсулаларнинг терапевтик самарадорлигини “in vitro” усулида белгилашда илмий томондан асосланган эрувчанлик “тести” ни ишлаб чиқиш учун таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиш тезлигига кажаванинг айланиш тезлигининг таъсирини ўрганиш лозим деб топилди, Цинарозид

капсулалари ажралиб чиқиш тезлиги ўрганилди. Тажрибалар натижаларига кўра эритувчи муҳит буфер эритма (рН 8,2), кажаванинг айланиш тезлиги дақиқасига 100 маротабани ташкил қилганда 45 дақиқадан сўнг таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиши 75 % дан ортик бўлишини кўрсатди. Эритманинг нур ютиш зичлиги “Beckman” DU 65 спектрофотометрда  $\lambda = 352 \pm 2$  нм тўлқин узунлигида, қалинлиги 10 мм бўлган кюветада ўлчанди. Таққословчи эритма сифатида биофаол модда сақламаган реактивлар аралашмасидан фойдаланилди.

**Хулоса.** Цинарозид капсулаларининг чинлиги, микдорий тахлили, дозанинг бир хил тарқалганлиги ва эришини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Таъсир этувчи модданинг микдорий таҳлил натижаларига метрологик ишлов берилди. Тажриба натижалари Цинарозид капсулалари сифат кўрсаткичларининг аниқлаш усуллари тўғри ва аниқ танланганлигини кўрсатди.

#### Адабиётлар

1. Муллабоева Ў.Р., Таджиева А.Д., Мадрахимов Ш.Н., Рахматуллаева М.М. / Цинарозид капсуласини технологияси // Фармацевтика журнали Тошкент, 2019.-№4.-Б.86-89.
2. Государственная фармакопея республики Узбекистан, I изд., Ташкент. 2020.
3. Государственная фармакопея Российской Федерации, XIII изд., Москва. 2015. [Электронный ресурс], URL.: <http://femb.ru/feml>.
4. Мадрахимов Ш.Н. Фланорин, ферулен, цинарозид, эксумид, катацин ва аллергодаф субстанциялардан тайёр дори шакллари технологиясини яратиш // Фармацевтика фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент 2019. 31 б.

**А.Д. Таджиева, Ф.А. Умарова, Н.А. Азимова, Б.И. Мухамедова, Ш.Н. Мадрахимов**  
**Контроль качества капсул Цинарозида**

На представленных предыдущих исследованиях нами была разработана технология капсул Цинарозида на основе местного сырья. В настоящей статье представлены результаты научного исследования, посвященного изучению подлинности, количественному анализу и равномерному распределению дозы, а также результаты методики растворения действующих веществ в капсулах Цинарозида.

**Ключевые слова:** Цинарозид, капсула, оценка качества, спектрофотометрия.

A.D. Tadjieva, F. A. Umarova, N. A. Azimova, B. I. Muxamedova, Sh. N. Madraximov,  
Quality control of Cinaroside capsules

Based on the previous studies presented, we have developed the technology of Cinaroside capsules based on local raw materials. The following article presents the results of a scientific study devoted to the study of authenticity, quantitative analysis and uniform dose distribution, as well as the results of the method for dissolving the active substances in Cinaroside capsules.

**Key words:** Cinaroside, capsule, quality assessment, spectrophotometry.

УДК 615.322:615.451.16

Н.А. Мусаева<sup>1</sup>, М.С. Кушакова<sup>2</sup>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЎСАДИГАН ДАЛАЧОЙ ЎСИМЛИГИНИ ФИТОКИМЁВИЙ ВА МИНЕРАЛ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

### ОПРЕДЕЛЕНИЕ ФИТОХИМИЧЕСКОГО И МИНЕРАЛЬНОГО СОСТАВА ЗВЕРБОЯ ПРОИЗРОСТАЮЩЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ

<sup>1</sup> “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси  
ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК

<sup>2</sup> Тошкент фармацевтика институти

Ўзбекистонда ўсадиган далачой ўсимлигининг фитокимёвий ва минерал таркибини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Маҳаллий далачой ўсимлиги таркибида ошловчи моддалар, флаванонидлар, гликозидлар, гиперицин борлиги аниқланди. Далачой ўсимлиги минерал таркиби ҳам ўрганилди ва унинг таркибида 10 га яқин элементлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари К, Са, Mg, Fe ва б. Олинган маълумотлар меъерий хужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

**Таянч иборалар:** далачой, фитокимёвий ва минерал таркиб, атом-абсорбцион таҳлил усули.

**Мавзунинг долзарблиги.** Далачой ўсимлигидан доривор ўсимлик сифатида Қадимда Греция ва Римда қўлланилган. Аждодимиз Абу Али Ибн Сино доривор ўсимликларнинг хусусиятини яхши билган ва уларни самарали қўллаш олган, жумладан далачой ўсимлигидан оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи, пешоб ҳайдовчи ва турли яраларни тез битказишда, меъда-ичак, оғиз бўшлиғи ҳамда буйрак хасталиқларида ҳам ишлатган [2,3,4].

Далачой ўсимлиги тиббиётда кенг қўлланиладиган даволовчи гиёҳлар сирасига киради ва ундан **Седавит** тинчлантирувчи восита, **Деприм** энгил депрессия ва **Негрустин** микстура дори шакллари турли ҳолатлардаги депрессия кўркув ва хавотирланиш ҳолатларини даволашда тавсия этилади [4].

Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелда ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-**

**тадбирлари тўғрисида”ги қарори** қабул қилинди. Ушбу қарор билан, асосий турдаги доривор ўсимликлар рўйхатига киритилган **тешик далачой ва дағал бандли далачой ўсимлигини** етиштирилиши вазибалари юклатилган [1].

Бугунги кунда Республикамиздаги 17 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан маҳаллий далачой ва тешик далачой доривор ўсимлиги хом-ашёсидан **фильтр пакетларда, полиэтилен ва картон пачкаларда ишлаб чиқарилмоқда.** Бирок ҳозирда республикада ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан далачой ўсимлиги асосида қайд этилган дори воситалари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмаган. Далачой хомашёси асосида дори воситалари яратилиб, уларни стандартлаш тўлиқ маънода шу кунгача ҳал этилмаган.

Далачой дори воситасидан оқилона фойдаланиш ва улар асосида янги самарали дори воситаси яратилиши бўйича изланишлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

**Ишнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган далачой (*Hypericum L.*) ўсимлиги асосида дори